

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Таштас

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 153 (2417).

1991 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ

ШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН

АКС-САДО

ҚАТЪИЙ ЖАЗО ЛОЗИМ

Ассалому алайкум ҳурматли муҳаррират ходимлари!

Мен — Муяссар Жалилова «Постда»нинг доимий мухлисиман. Мана, бугун ҳам эрталаб одатдагидек, сеvimли рўзноманинг навбатдаги сонини сотиб олдим. Олдиму «Гўдакда не гуноҳ?» — деган мақолани ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Ўй-хаёлим пардек тўзғиди. Ниҳоят, ўз фикр-мулоҳазаларимни билдириш ниятида қўлга қалам тутдим.

Мен азиз ва меҳрибон оналаримиз, опа-сингилларимиз, дугоналаримиз шаънига доғ туширадиган, айниқса, ўз фарзандини ўз қўли билан ахлат ўрага ташлайдиган, умр риштасидан воз кечадиган аёллар орамизда учраб тури-

шидан нафратланаман. Наҳотки баъзи бир аёлларимиз боши берк кўчага кириб боришаётганини ўйламай қадам босишса? Токи қонунда бундай аёлларга нисбатан жазо қўлланилмас экан, орамизда улар сони тобора кўпайиб бораверади.

Мақоладаги Р. исмли аёлга нисбатан менинг фикрим. Бу сурбат аёлга қонундаги энг оғир жазо белгиланса ва унинг сурати, исми-шарифи рўзномада тўлиқ ёритилиб, халққа ошкор этилса адолатдан бўларди. Зора, енгил-елпи ҳаёт кечириб ўрганиб қолган суяқоёқлар беномус Р.нинг тақдирдан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олсалар.

Муяссар ЖАЛИЛОВА,
муҳандис.



ШАҲРИМИЗ кўчалари тинч ва осойишта бўлиши учун пост-патрул хизмати ходимлари ўз осойишталикларини ўйлашмайди. Зеро, бугунги кунда жиноятчиликнинг гуркираб ўсиши улар зиммасига ҳам улкан масъулият юкляпти.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар Ленин тумани ички ишлар бўлимининг пост-патрул хизмати ходимлари (чапдан) милиция сержанти Акмалжон Муҳаммаджонов, милиция кичик сержанти Жалил Ҳантов ва милиция сержанти Рустам Аброевлар навбатдаги вазибаларни ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ЎРНАК ОЛДИ

Замонанинг айнаганига-ку, майли, бир амаллаб чидаб юрган эдик, табиатнинг айнаганига нима дейиш мумкин? Жамиятда нималар бўлмайди, дейсиз. Хусусан, кун кеча, «Йўқолсин бойлар» деган бўлсак, энди «яшасин» деймиз. Кун кеча ҳай-ҳай демаса, Ўзбекистон коммунистларга лиқ тўла эди, ордан ўн беш кун ўтмай эса биттаси қолмасая, ҳавога сингандек... лоақал, кургама учун ҳам қолмасая, ўрнига ҳаммаёқни демократ босиб кетса... ажабланасанда, киши.

Табиат ҳам ана шу телба-тескари ишларимиздан ўр-нак олди шекилли, бўлмаса, қиш чоғида ёмғир қуйиб, сел келганига нима дейсиз. Сел бўлганда ҳам унақа, бунақа эмас...

Қўшработ туманида 14 декабрга ўтар кечаси роса ёмғир қўйди. Оқибатда Э. Жуманбулбул ўғли ва Свердлов номли давлат хўжалик-лари худудидаги иккита кўриқни сел юшиб кетди. Қодиров номи 50-ўрта мактаб биноси, шунингдек, Қўшработ давлат хўжалигида ол-тита отар селда қолди.

Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра кўрилган зарар тахминан 70 миң сўмга тўғри келади.

Ҳаммасига ҳам чидайверамизда энди. Иложи қанча.

Ш. ИСМОИЛОВ.

ЯНГИТДАН БОШЛАШ КЕРАК

ССЖИ Конституцион назорат қўмитасининг 1990 йил октябрь ойидаги хулосасига кўра ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка дучор бўлган, ammo жамоат тартибини бузаётган, фуқаролар ҳуқуқини оёқости қилмаётган шахсларни мажбурий даво-ланишга юбориш борасидаги қоидалар ўз кучини йўқотганлиги эътироф этилган.

Лекин бизда кўпинча қош қўяман деб кўз чиқарилади. Гап шундаки, бир қатор шаҳар ва туман судлари шахсларни мажбурий даво-ланишга юбориш тўғрисидаги ишларни мутлақо кўрмай қўйди. Барча даволаш-меҳнат профилаторийлари бош-қача тартибда ихтисослаш-тирилди. Очигини айтганда, ичкиликбозликка ружу қўй-ган ва мажбурий даво-ланишга муҳтож бўлган бе-морларни ҳозир фақат бит-та — Самарқанддаги шифо-хонада қабул қилишяпти, холос.

Жумҳурият ички ишлар вазирилик илтимосига кўра Ўзбекистон Олий Суди ву-жудга келган мураккаб аҳ-волни ўрганиб чиқди ва 1991 йил 12 декабрда Қорақалпо-ғистон Олий Судига, вило-ятлар ва Тошкент шаҳар суд-ларига бу борада алоҳида йўриқнома юборди. Унда асосан мажбурий даво-ланишга юборишга боғлиқ иш-ларни белгиланган тартиб-да кўриб чиқиш таклиф қи-линди.

Энди кун тартибда ик-кинчи салмоқли вазифа ту-рибди. У ҳам бўлса, даволаш-меҳнат профилаторийлари-ни қайтадан очиш. Бу му-аммо қанчалик тез ҳал этил-са, мустабид ота ёки эри даволашга юборган юзлаб онлалар аззолари шунчалик эркин нафас олашад.

А. БРАЙЛОВСКИЙ,
Ўзбекистон ИИВ ҳуқуқ-бузарлигининг олдини олиш бошқармаси катта инспек-тори, милиция майори.

Турсунбика Жумамуро-тованинг боши бир марта тошга урилган, тўғривоғи ўзи «уриб» олганди. Хари-дор ҳақиқа хийнат қилганли-ги учун ЖМнинг 177-модда-си 1-қисми билан тегишли жазосини олган эди.

Аmmo у нафсини тияди-ганлар тонфасидан эмас экан. Шу йилнинг 22 но-ябрь кун (дарвоқе, Т. Жу-мамуротова Мангит матлу-бот жамиятига қарашли 18-аралаш моллар дўконда

«...КЎЗ КЎРАДИ»

ишлайди) харидор Баубеков-га пахта ёғи тортиб бера туриб, оғирлигидан 2 кило-грамм 400 грамм, пулидан эса 6 сўм 72 тийин уриб қо-либди.

Бир вақтнинг ўзида ик-кинчи харидор — Г. Полво-нованинг ҳам «хўрда»сидан, ҳам «бурда»сидан урмоқчи эди, бироқ мисс чиқиб қол-

ди. ИИВ ходимлари текши-риб кўришса, сотувчи ҳар-икки харидордан 8 ярим сўм шилишга улгурган экан.

Т. Жумамуротованинг бўй-нига юқоридаги модданинг 2-қисми ҳам илди. Начо-ра, пешонага ёзилган бўлса, кўз кўраверар экан.

Б. САЪДУЛЛАЕВ.

Мана ёши ҳам 26 дан ўтиб, ҳозиргача бир касб эгал-ламабди, унинг тенгқурла-ри ҳаммаси ишлаб, меҳ-нат қилиб ўз йўлларини то-пишган, уй-жой қилишган, элга тўй беришган. Баҳо-дирнинг эса ҳозирча, уйи-ку йўқ, ҳатто велосипед ҳам олиб минмапти. Алам қил-майдими? У шунини ўйлаб-ўйлаб, Шаҳрисабз тумани Энгельс номи жамоа хў-жалигининг Шўржи қишло-ғига келиб қолганини ўзи ҳам сезмади. Ён-атрофга қараса, олдида катта тепа-лик, Илгари эшитгани, қа-димда бойлар олтинларини кўзага солиб тепаликлар-га яширганлиги ҳақидаги гаплар хаёлидан ўтдию, илинж билан Кўктепанинг чуқурларини кўздан кечи-ра бошлади, афсус-надомат-лар бўлсинки, бу ердан бойлар ё ўтмаган ёки ўтган ҳам хасис бўлган. Ҳеч нарса тополмаган Баҳодир хуноб бўлиб пастга кўз югуртира бошлади. Не кўз билан кўрсинки, сойликда қишлоқ аҳлининг моллари ўтлаб юрар эди, У ҳеч ким йўқлигига тўла ишонч ҳо-сил қилгач, худого миңг қатла шукурлар айтиб, унинг оҳини эшитганлигига чи-па-чин ишониб, семиз гов-муш ва ҳўкизлардан 8 бо-шини олдига солиб, хирго-йи қилиб йўлга тушди.

Кундуз кунини ҳеч ким гу-монсирамайди, кўрганларга молларни «мол дўхтирига олиб бораяшман», деб са-ломни қуноқ қилиб ўтавер-ди. Шундай қилиб қорон-ғу тушиб, одамлар бир-би-рини танимайдиган палла-да шу туманининг Соци-ализм жамоа хўжалиги Ём-чи қишлоғида яшовчи қар-риндоши Урол Эшовнинг уйига ҳайдаб кириб: «Ма-

ни, Ҳалима Юсуповага бит-та гунажинини пуллаб ан-ча бойиб қолди.

Қолган учта молни Та-рахли қишлоғидаги тани-ши Давлатовдан уйда 3-4 кун сақлаб туришни илти-мос қилди.

Энди қолган гапни Эн-гельс номи жамоа хў-жалигидаги Шўржи қишло-ғидаги молнинг асосий эгалари А. Рўзиев, М. Ха-

ларни режалаштириб олди-лар.

Терговчи милиция лейте-нанти И. Султонов, жиноят қидирув оператив катта ва-кили милиция катта лейте-нанти Ж. Самиев, воёга ет-маганлар билан ишлаш на-зорати назоратчиси мили-ция катта лейтенанти Т. Пармонов, давлат автомобил назорати катта назоратчи-си милиция капитани А. Абдурашидов ва участка вакили милиция катта лей-тенанти Н. Хусановлар во-қеа жойи билан танишиб, ишни бошлади. Ходим-ларнинг ишбилармонлиги, тезкорлиги туфайли барча излар топилди ва улар Эн-гельс номидаги жамоа хў-жалигининг Тарахли қиш-лоғида яшовчи Зайниддин Давлатовнинг ҳовлисига ке-либ тақалди.

Баҳодир оғилхонага кўн ўтлардан ташиб моллар-га солаётган экан. Ку-тилмаганда милиция ходим-ларига кўзи тушди-ю, ран-ги ўчиб, ҳолсизланиб охур-га ўтириб қолди.

А. ҲАЛИМОВ,
Шаҳрисабз тумани ИИВ бошлиғи ўрибосари ми-лиция капитани.

Ҳ. ЖўРАЕВ,
ИИВ ташкилий назорат катта назоратчиси ми-лиция капитани.

КООПЕРАТИВГА «ИШ»ГА ЎТИБДИ

на биз ҳам кооперативга ишга ўтдик, моллар шу ер-да тура турсин, эртага бо-зорга олиб чиқиб пулла-ймиз», — деб қариндошини ҳам чиппа-чин ишонтирди-қўйди. Эшовнинг аёли Рў-зибиби ҳам жиянининг иш-га кириб, рўзгор тебра-тишга ҳаракат қилганидан хурсанд бўлди.

1991 йил 6 июль шанба кунини эрталаб молларни шу туманининг Гулистон жа-моа хўжалигидаги Уймо-вут қишлоғида яшовчи Аб-дужамил Шариповга ар-зон-гаров қилиб 2980 сўм-га икитасини, Қажом Қур-бонювага 1050 сўмга биттаси-

лилов, А. Эшонқулов ва Э. Эшалиевлардан эшитинг. Улар кечқурун пода келар маҳалда йўлга чиқишди. Моллар эса кўринмасди. Шу кунини пода боққан Минг-бой Авлаевдан сўрашган-да аниқ бир нарса деёлма-ди. Мол эгалари ўзларича роса қидиришиб, тоғу-тош-ни кўришиб, сойликларни айланиб топишолмагач, охириги илинж билан Шаҳ-рисабз тумани ички ишлар бўлимига мурожаат қилиш-ди.

Ички ишлар бўлимида дарҳол тезкор-тергов гу-руҳи тузилиб, ходимлар қилиниши лозим бўлган иш-

РЎЁБГА ЧИҚҚАН ОРЗУ

Тожибой Мамадалиевада ички ишлар идораларида хизмат қилиш орзуси ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ туғилган эди, лекин тақдир уни тиббиёт йўлига солиб юборди. У 1974 йили мактабни битиргач, Қўқон тиббиёт билим юртига ўқишга кирди ва 1981 йилга қадар Риштон туманидаги марказий касалхонада хизмат қилди.

Лекин вазифаси қанчалик масъул бўлмасин, Тожибой кўнглида ундан қониқиш ҳосил қила олмади, милицияда ишлаш орзуси кучаяверди. Ниҳоят, 1981 йили у Риштон тумани ички ишлар бўлимида санитария милиционери бўлиб хизмат қила бошлади. Бурчини туну кун тиним билмай бажарётган Тожибойга ИИБ раҳбарлари эътиборсиз бўлмадилар, ундаги изланувчанлик, зийраклик ва ғайрат-шижоатни эътиборга олишиб, 1984 йили Тошкент олий милиция мактабига ўқишга тавсия қилдилар. Тожибой ҳам раҳбарият ишончини оқлади, имтиҳонларни муваффақиятли топширди. 1988 йилда ўқишни тугатгач, ўзининг қадрдон иш жойига йўлланма олди. Даставвал участка вакилликка тайинланди.

Тожибой берилиб ишлади. ИИБ раҳбарияти ундаги қобилиятни ҳисобга олиб, 1990 йили терговчиликдек масъулиятли лавозимга ўтказишди.

Шу йилнинг ўтган ўн ойи давомида Т. Мамадалиев 65 тага яқин жиноий ишларни ҳужжатлаштириб, халқ суди ҳукмига чиқарди, тергов йўли билан олти жиноятни очишга муваффақ бўлди. Уз ишига ва хизматдош дўстларига бўлган меҳри, самимийлиги туфайли Т. Мамадалиев бўлим ходимлари ўртасида ҳурматга сазовор бўлган.

Интиланганга толе ёр, деб шунга айтсалар керак-да.
Эминжон ОБИДОВ,
Риштон тумани.



Чиноз тумани ички ишлар бўлимида касбига меҳр қўйиб, зиммасидаги бурчини садоқат билан ўтаётган ходимлар талайгина. Милиция подполковниги Юсуф Каримов ана шундай кишилардан бири (юқоридagi суратда). У айни кунларда оператив наватчи вазифасида хизмат қилмоқда.

— Навбатчилик қисмини ички ишлар идоралари кўзгуси дейиш мумкин, — дейди Ю. Каримов. — Чунки ИИБ остонасига қадам қўйган кишини биринчи бўлиб биз қарши оламиз. Унинг юрагидagi гапларни диққат билан тинглашга, иложи борича оғирини енгил қилиб кузатиб қўйишга ҳаракат қиламиз. Токи бу ердан ҳеч ким ранжиб кетмасин.

Ю. Каримовнинг шогирдлари, хусусан оператив наватчи ёрдამчиси Яхшилик Юсупов (пастдаги суратда) устоз ўғитларини ўзига шир қилиб олган.
Сураткаш Ҳ. ШОДИЕВ.

СИРЛИ ТАШРИФ

Сўнги пайтда турмушимиздаги иқтисодий тангликини рўқач қилиб, ўз ҳамёнини қап-пайтиришга уринаётган уйдабуронлар сонини кўпайиб бормоқда.

Шу йил 4 декабрь кунини соат 18 лар чамаси шаҳар ўсимликларини ҳимоя қилиш ташкилоти ёнидаги ДАН постида ўз хизмат бурчларини ўтаб турган йўл назорати инспекторлари, милиция сержантлари Рўзимурод Махрупов, Сафоқул Абдуллаев, Таваккал Муродов ва Тўлқин Носировларни Свердлов кўчаси бўйлаб бораётган 35-67 БХП давлат рақамли «ЛАЗ-609» автобусининг сирли ташрифи қизиқтириб қолди. Қоракўлдаги 139-автокорхонага қарашли бўлган бу автобусни тўхтатиб текширишганда унинг нима сабабдан бу ерларда «адашиб» юрганлиги кундай равшан бўлди.

Ҳайдовчи Жумақул Давлатов бошқариб бораётган бу автоулов салонидан Бухоро тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқарилган олти минг метр чиг ва сатин газмоллари топилди. Шу кунларда бундай ноёб молларнинг чакана нархи қанча эканлиги барчамизга маълум. Демак, ҳайдовчи Ж. Давлатов ўз ҳамтовоқлари — Нормурод, Огамурод ва Султонмурод Самандаровлар билан тил бириктириб, давлатнинг камида олтинмиш минг сўмлик мулкни туя қилмоқчи бўлишган экан. Бироқ, айтиб ўтганимиздек, ДАН ходимларининг ҳушёрликлари туфайли бу мулк икки оёқли кемирувчилар қангалдан сақлаб қолинди.

«Эканингни ўрасан» дейди доно халқимиз, ишламай тишламоқ йўлига кирган бу нафс бандалари ўз қилмишларига яраша жазо оладилар.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходими,
милиция лейтенанти.

БАРГ ДЕБ КЎЗДАН АЙРИЛДИ

Ким пилла қурти боқиб кўрган бўлса унинг нақадар ташвиш эканини билади. Юмушнинг оғирлиги эмас, қилаётган ишининг мантиқсизлиги кишини эзиб юборди. Ўзбек ҳеч қачон меҳнатдан нолимаган, қочмаган ҳам. Лекин меҳнатнинг ҳам меҳнати бор-да. Бир вақтлар режа кетидан қувиб юрган пайтларимизда бу ёғи билан ҳисоблашмай, режа олинверган эдики, бунинг асорати ҳалигача сақланиб турибди.

Пилла мавсумида Ургутда тут барги излаб юрганларни хоҳлаганча учратиш мумкин. Бу ҳам ўша эғнига ўлчамай тўн бичишнинг оқибати. Яъни, олинмаган пиллани барг билан таъминлаш имконияти камроқ. «Катта»ларга нима, айтишади, қўйишади, икки ўртада оддий кишиларга қийин. Тунда ўз қўшнисиникига барг ўғирликка тушади, бошқа туманлардан сотиб олиб келади. Урушади, жанжаллашади, ишқилиб нима бўлса ҳам барг топиб, қуртни боқишга ҳаракат қилади. Ҳа, бу халқдай ўз ишига содиқ халқни топиш қийин.

Мана шу йилги мавсумда бўлиб ўтган воқеа.

Халил Ургут туманидаги Ватак қишлоғида яшайди. Жамоа ҳўжалигидан 3 грамм пилла қурти олди. Ҳар доимгидек барг масаласи чатоқ. Олдин унчалик билинмади, оз-моз бериб туришди. Айниқса қуртлар туртинчи уйқудан туришгач, яъни даҳага киргач, уларга барг етказиб беришдан қийини йўқ. Шундай кунларнинг бирида, тўғрироғи 22 май кунини кеч соат 20 лар атрофида Халил хотини, учта ўғлини «Запорожец» машинасига миндириб, бригадирнинг уйи томон йўлга тушди. Мақсад, нима қилиб бўлса ҳам пилла қурти учун барг топтириш. Бу ёқда қуртлар оч.

Бригадир Нажмиддин ҳам йўқ нарсани қаердан олади. Тут экиб қўйган чорбоғи бўлмасан... Ноилож уларнинг машинасига минди. Бир амаллаб барг топиб бериш нияти бор эди. Лекин Халил у айтган томонга юрмади. Машинасини тўғри Воҳидов Тожибойнинг ҳовлиси томон ҳайдади.

Машмашалар кўп бўлавериб жонига теккан шекилли, асаби қўзиган Халил Тожибойнинг ҳовлиси яқинига келди-ю, машинадан туша солиб, йўл ёқасидаги тутларни қўлидаги ўроғи билан ўра бошлади. Бу орада ўғлига ҳам дўқлаб қўйишни унутмади:

— Туш, тутни кес. Ҳе, онасини...

Ичкаридан ҳай-ҳайлаб Тожибой чиқди.

— Халил ака, бу тутларни менга беришган, менда ҳам 14 грамм қурт бор. Илтимос, кесманг, — деганини билади, нимадир пешонасига қаттиқ урилиб, ерга чалқанчасига йиқилди. Кейин бошқа ҳеч нарсани билмайди.

Халил унинг пешонасига қўлидаги ўроқ билан урган эди, йиқилгач ҳам пашти босилмади. Юзининг ўнг келган жойига ураверди. Уткир ўроқ унинг иккала кўзини, бурнини, оғзини кесиб ўтди, тишлари синди.

Воқеа шунчалар тез бўлдики, бригадир Нажмиддин нималар бўлаётганини анг-

лаб ҳам ололмади. Машинада ўтирганлар эса ҳеч нарсадан хабар ҳам олишолмай қолди. Халил шоша-пиша машинасига миндию, уйига жўнади.

Тожибойнинг юзи қип-қизил қонга беланган эди. Зудлик билан касалхонага жўнатишди. У роппа-роса 65 кун даволанди. Бундан олти ой бурун Халил ҳамқишлоғи Исроиил билан ҳам уришиб қолган эди. Бунга эса болалар ўртасидаги ўзаро жанжаллар сабаб бўлганди. Ҳанда, 2 сентябрь кунини тамакизор олдида у Исроиилга дуч келиб қолди.

— Бу ёққа қара, — деди ўдагайлаб. — Тунов кунини болаларинг ўғилларининг ўтинини тортиб олиб, урибди. Нега уларингни қайтармайсан?

Унинг феълени билган Исроиил индамай кетаверди. Биладики, бу ерда битта гап кам, иккита гап ортиқча. Лекин Халил бунга қўймади. Орқасидан келиб, кетмонининг дастаси билан тушириб қолди. Икки ўртада ҳамқишлоқлари Холмирза бор экан, бўлмаса бунинг оқибати нима билан тугаши номаълум эди.

Суд-тиббиёт кўригининг ҳулосасига кўра ўша жанжалдан кейин Исроиил Исомовнинг ўнг томонидаги 7-қовурғаси очиқ синган, кўнрак қафасининг ўнг томони, юзи, қўли жароҳат олган.

Хуллас Халил шунақа жанжалкаш эди. Қишлоқдошларининг айтишига қараганда у ҳар йили, ҳеч бўлмаса бир киши билан жанжаллашмасан кўнгли тинчимас экан. Майли, унинг уришқоқлиги ўз йўлига, лекин икки ўртада бир инсоннинг — Тожибойнинг...

Суд-тиббиёт кўригининг ҳулосасидан:

Воҳидов Тожибойнинг юз суякларини очиқ синган, бош нияси ёпиқ жароҳатланган, ўнг қўлининг қафти, ҳамда жағи кесилиб, тишлари синган. Иккала кўз касасидаги кўз суяқликлари оқиб тушиб, кўзи кўрмайдиган бўлиб қолган. Юзи тузалмас даражада бузилиб, ҳаёти учун хавфли тан жароҳати олган.

У ўташи керак бўлган саник-ийлик жазо нима бўлибди, дейсиз. Бу ёқда бир бечора умрбод ёруғ оламни кўришдан маҳрум бўлди.

— Худобер Халил мени иккала кўзимга, бурнимга, оғзимга ўроқ билан урган, ҳозирги пайтда иккала кўзим кўрмайдиган, тишларим синиб башарам хунуклашиб қолди. Мен уни сўққанам йўқ, урганам йўқ, фақат илтимос қилган эдим. Лекин шу ҳолга келтиргани учун уни ҳам кўзларини ўйиб олиш керак.

Бу Тожибойнинг судда кўрғазма бера туриб айтган гаплари.

Кўриш нақадар буюк неъмат эканини ҳаммамиз ҳам биламиз. Бир инсонни бунарсадан маҳрум қилиш эса гўноҳлар ичида энг оғир гўноҳ бўлса керак. Энди Тожибойнинг кемтик, ўқсин калбига ҳеч нарса билан таскин бериб бўлмайди. Шунини оғир.

Акбар ТУНЧИЕВ,
Ургут тумани халқ судининг раиси.

ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА

БУГУН ҚЎЛДА ТОШ БИЛАН...

Йўловчилар қатнайдиган поезд вагонларига ҳеч эътибор берганмисиз? Агар эринмасдан вагонларни бирма-бир кўздан кечириб чиқсангиз, деярли ҳаммасининг камида 1-2 та ойнаси йўқ ёки синган бўлади. Гап нима ҳақида кетаётганлигини, менимча, сездингиз. Мавзумиз айланиб-айланиб яна ишлар тарбиясига келиб тақалди.

Яқинда Ғузор тумани ҳудудида бир воқеа юз берди. Шиддат билан елаётган «Тошкент — Китоб» поезди Ғузор-Қамаши оралиғидаги 55-км. да силкина-силкина тўхтади. Кетма-кет учиб келаётган тошлар ўтиб бораётган вагонларнинг ойналарини чил-чил қилаётганини кўрган вагон кузатувчилари тўхтатиш дастагини тортишга мажбур бўлган эдилар.

Уша заҳотиёқ тош отган болалардан бири ушланди. Ва унинг кўрсатмаси билан қолган тошбўрон иштирокчилари ҳам қўлга олинди. Марҳамат, танишинг:

Ун беш ёшли Аъзам Қурбонназаров, 14 ёшли Акбаржон Абдиев, Жамол Қунжаев, Илҳом Бердиевлар, ўн уч ёшли Жаҳонгир Бухоров, Қосим Ҳимматов, Дамир Бердиевлар, ўн икки ёшли Воҳид Ҳимматов ва ниҳоят эндигина 10 ёшга етган Ҳаким Ҳимматов.

Бу тўққиз ўспириндан иборат «шонли гвардия» сура-

ура» билан вагонларнинг ўн-та ойнасини чилпарчин қилишибди.

Уларнинг ҳаммаси Ғузор туманининг Халқобод жамоа ҳўжалиғидаги Халқобод қўрғонда яшайдилар ва Ойбек номли 22-ўрта мактабда таълим олишади.

Хўш, кимни айблашимиз? Болаларини ёки ота-оналар ва мактаб маъмуриятиними? Албатта, катталарни. Успиринларнинг бебошлик кўчасига кириб кетишларига энг биринчи наватда улар сабабчи. Ота-оналар фарзандлари бўш вақтларини қандай ўтказётганини назорат қилиб турмаганлар, билим ва тарбия масканида болаларга нисбатан бўлган эътибор ниҳоят даражада суст.

Ҳурматли ота-оналар! Келинг, яна бир бор мушоҳада қилиб кўрайлик. Фарзандларимиз тарбиясини ҳеч қачон назардан четда қолдирмайлик. Токи улар бугун вагон ойнасини тош билан синдирган бўлсалар, эртага кимнингдир кўнгли ойнасини синдириш учун қўлига пичоқ олмасин!..

Мухаммад ГОЯИБОВ,
Темир йўлининг Қарши бекатидаги тармоқ ИИБ БЕ-ИИ катта инспектори милиция катта лейтенанти.

Ғайрат ДУСТМУРОДОВ,
милиция майори.

ИССИҚ ЯХШИ, БИРОҚ...

Қиш остона ҳатлади. Игна наби санчилиётган совуқ таъсири тобора кучлироқ сезилаяпти. Демак, электрга, газга бўлган эҳтиёж кучаяди. Аммо эҳтиёж мезбурдан ошмаслиги керак. Ошдими, бир кўнглисизлик юз бериши аниқ. Электрдан, газдан фойдаланганда ўта эҳтиёткор

бўлиш лозим. Йўқса... 16 декабрь кунини Нукус шаҳрида яшовчи оғанилар 22 ёшли Файзулла, 19 ёшли Рашид, 11 ёшли Ноил Зокировлар ва 19 ёшли Меҳри Зокирова ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган ўғли Рифатжон билан бирга ўз хонадонларида табиий газдан заҳарланиб,


уйқуда ётганларича қайтиб уйғонишмади. Бир кечада бир оиладан беш кишининг ўлими...

Улар эҳтиётсизлигининг, бифарқлигининг, эътиборсизлигининг қурбони бўлдилар. Келинг, шунга ўхшаш яна бир воқеа юз бермаслиги учун тегишли ҳулоса чиқариб олайлик.

Э. САТТОРОВ.

НОМЧЕ

КОЛАЖЛАРИ Э. РАХМАТОВ ИШЛАГАН



Ушбу қотиллик ишига 1989 йилнинг 19 декабрь кўни яна бир (ноқонуний йўл билан наркотик модда йиққан ва сақлагани учун қўзғатилган) иш қўшилди.

Бу анча олдин бўлган. Кейинроқ, аниқроғи, 1989 йилнинг 9 декабрда ўтар кечаси Эркин маст эди. Бундан олдинроқ у хотини Лена билан уришиб қолган, Ленанинг онасиникида туришганликлари сабабли ҳам кўч-кўронларини кўтариб, укасиникига кетиб қолган эди.

Гувоҳ Оксананинг кўрсатмаси:

— 8 декабрь кўни соат тахминан 19 лар эди, биз дугонам Лена билан йигитим Диманикига келдик ва унинг уйи оқсидида жойлашган томорқасидаги ёзги уйчасига кирдик. Бироз муддат ўтгач, Диманинг дўсти Игорь ҳам кириб келди. Тўртталамиз ўтириб бир шиша ароқ ичдик. Кейин кўча айланиб келдик. Қайтгач, Дима ва Игорь дарҳол уйчага кириб кетди. Ленанинг эри — Эркинни кўрганимиз сабабли ҳам биз кутиб турдик. У бизга рўпара келаётган эди. Лена у билан гаплашмоқчи бўлди. У эса эшитишни ҳам хоҳламай, унинг юзига муштай кетди, бир вақтининг ўзида тилга олиб бўлмас сўзлар билан сўкарди ҳам. У маст эди. Лена бақириб, ёрдамга чақириб тушди. Уларни ажратиб қўймоқчи бўлдим, лекин кучим етмади. Эркин мени нарига итариб юборди-да, Ленани баттароқ ураверди, у йиқилиб тушгач эса тепишга тушди. Мен Дима билан Игорни чақирибга мажбур бўлдим. Улар келишиб Эркинни тўхтатишди, вазиятдан фойдаланиб, Ленани олдим, уйга қочиб кирдик... Кейин Дима билан Игорь ҳам киришди. Орадан 20 минутлар ўтгач, чамаси, эшикни кимдир тақиллата бошлади...

Худди шундай, қотиллик кўпчилигининг кўз ўнгиде рўй берди.

Жабрланувчи Е. Тўғонбоевнинг кўрсатмаси:

— ... Эшикни Дима очди. Келган Эркин экан, уйга киришга ҳаракат қилди, лекин Дима қўймади, у билан Игорь ташқарига чиқиб кетишди. Биз Оксана иккаламиз уйда қолдик. Эркиннинг мени чиқаришни талаб қилиб бақирган овозлари эшитилиб турар, аммо олдинги сафаргидек дўппослаб кетишдан қўрқиб чиқмадим. Бир пайт уйга Ваня ва Танялар кириб келишиб, мени эримнинг олдига чиқишга ундай бошлашди. Розилик бермадим, чиқиб кетишди. Бироз вақт ўтиб, Эркин кириб келиб, мени уришга тушганда Оксана қичқирди. Шундан кейин уни қайга йўқолганини эслолмайман, эслаганим шуки, уйда бир ўзим қолган эканман. Оксананинг: «Лена, сенинг Эркиннинг Димани сўйиб қўйди» деган бақирганини эшитдим. Кўчага чиқиб унинг олдида бордим, унинг бурчагида йиғлаб ўтирган экан. Дима эса йўлакчада ётар, боши Оксананинг тиззаларида, ҳамма ёни қипқизил қон, ҳуши ўзида эмас-

ди. Кимдир тез ёрдам чақирди. Димани касалхонага олиб кетишди. У ёқдан эса ўлганлиги ҳақида хабар келди.

Доно халқимиз кўп билди айтган эканми-а? Эру хотиннинг ўртасига эси кетган тушади... Қотил ўз жазосини олиб кетди, лекин кимга керак бунақа гам-хўрлик, бунақа тарафқашлик? Ҳеч нарсдан ҳеч нарсасиз бир кишининг ўлиб кетиши, албатта ачинарли, лекин яхшироқ ўйлаб қараладиган бўлса, ҳаммасининг бошланиши мана шу «ҳеч нарсага» бориб тақалар экан. Бу ерда туриб донолик қилишдан осони йўқ, албатта, лекин номус деган, шаън деган нарсалар ҳам борку бу дунёда. Уни ҳар бир эркак, ҳар бир йигитнинг ўзи ҳимоя қилади, хотиннинг дўстлари эмас.


Гувоҳ Игорнинг кўрсатмаси:

— 8 декабрь кўни тахминан соат 21 ларда дўстим Андрейникига келдим. У уйда йўқлиги сабабли ҳам 36-уйининг оқсидида жойлашган томорқасида Диманинг ёзги уйчасига кирдик. У ерда Дима, Оксана, яна битта қиз [кейинчалик билсам исми Лена экан] ўтиришарди. Тўрттовимиз бир шиша ароқ ичиб, айланиб келдик. Биз Дима билан олдинроқ уйчага кириб кетдик. Қизлар ташқарига қолишди. Орадан бироз вақт ўтиб, қизлардан бири Димани бор овозда бақириб чақирди. У ташқарига чиққач, мен Андрейнинг олдида кетдим. Қайганимда эса, уйчада учласи ўтиришар, Ленанинг

кейин у четга ўтиб, бир қўли билан дарехтга тирмашди, иккинчи қўли билан эса кўкрагини чангаллади. «Эркин сени пичоқ билан урдими», деб сўраган эдим, индамади. Фақат боши билан «ҳа» ишорасини қилди, холос. Бу вақтда Эркин уйчага кириб кетган, Дима эса ўз уйи томон чопа бошлади. Орақсидан мен ҳам. Дима бурчакка боролди, холос, олдин чўккалади, кейин йиқилиб тушди. Бориб, бошини кўтардим, лекин у ҳеч нарса деёлмади, кўкраги қипқизил қон эди. Кейин ўнг келган квартиранинг эшигини тепиб, тез ёрдам чақириларини сўрадим. Қўшнилари чиқибди. Мен эса велосотормин миниб, тез ёрдамни олиб келишга кетдим. Йўлда Димага келаётган машинани кўриб, қандай бориш кераклигини айтдим уйга кетдим. Диманинг ўлганини эса эрталаб эшитдим.

Ҳақли бир савол туғилади, бу «оғайни» велосотормин олиб, тез ёрдамнинг оқсидан боришни эмас, тезроқ бу наҳс босган жойдан қочиб қолишни кўзламадимикин? Унинг кейинги ҳатти-ҳаракатлари шундан далолат бериб турмайтими? Айтиб қўйиш керак, янги Америка очиб, ёки бошқа бирор ниятда эмасми, бу ёғини ҳаммасини суд, тергов идоралари удралаб қўйишган.


Ҳаммага маълумки, ярим кечаси, бунинг устига икки жинсга мансуб кишилар, битта ароқни ичишиб (биттамикин?) давлат ёки сиёсат муаммоларини ҳал этишмаган. Хўш, шундай экан, дўсти Ванянинг уйига



юзлари қон эди. Айтишдикки, уни эри — Эркин урипти. Орадан 10 минут ўтар-ўтмас кимдир эшикни тақиллатиб, уни очишга ҳаракат қила бошлади. Дима эшикни очганда у билан, мен ҳам ташқарига чиқдим. У ерда Эркин билан яна қандайдир йигит ва қиз ҳам бор эди. Эркин уйга киришга ҳаракат қилар, Дима эса: «етар, шу-сиз ҳам роса дўппосладинг уни, сен уйида меҳмонсан, бу ерда уришларингизни хоҳламайман, қўшиллар эшитишадми», деб уни ичкарига қўймади. Дима қўлларини ёнга кўтарганча, Эркинни уйга ўттиришга қўймай турар, худди шу пайтда у мушти билан Диманинг кўкрагига урди, қўлида нима бор эди, биймай қолдим. Зарбадан

кетаётган маст эр (у шундай деб кўрсатма берган, майли шундай бўлмасин ҳам дейлик, майли хотинини кузатиб юрган бўлсин, бунинг аҳамияти камроқ) нима қилиши керак эди? Кўп вақтлардан буён бизда шундай, номуссизлик учун мақташлари мумкин, номус учун эса кўпинча жазо муқаррар. Умуман, бизнинг қонуларимизда, номус дейилганда, фақат зўрланган аёлгина тушунилади, бу унда насронийлар дини руҳининг ифода этилиши, холос. Майли, Эркин уйда ноқонуний равишда наша сақлаган бўлсин.

И. ШОМУРОДОВ.
(Давоми келгуси сонда).



СИЗ суратда кўриб турган милиционерлар ҳали ёш. Улар учун касб машаққатлари, ташвишлари, қувончлари — ҳаммаси олдинда.

Аскарлик бурчини афғон тупроғида ўтаб қайтган милиция сержанти Искандар Қосимов Жомбой шаҳри участка вакили милиция лейтенанти Ихтиёр Исоқов билан биргаликда сикқидилдан хизмат қилишга бел боғлаган.

Н. МЕЛИЕВ олган сурат.

ҚЎРҚОҚЛИКНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Тайёрланилаётган ёк содир этилган жиноятлар ҳақида милицияга қанча тез хабар берилса, хавф шунчалар тез бартараф этилади. Бу жуда кўп мартаба айтилган ва исботланган.

Яқинда Фарғона вилояти ИИБ оператив ходимлари ташвишли маълумот олдилар. Нотаниш шахс фуқаро С. дан 25 минг сўм талаб қилиб, агарда бу хусусда бирон жойга хабар берса, белгиланган пулни вақтида таъқиқланган ерга келтириб қўймаса, ўлдиришни айтган.

Оператив гуруҳ ходимлари таъмағирни қўлга олиш режасини пухта ишлаб чиқдилар.

С. айтилган пулларни олиб, ўз шахсий автомашинасида жиноятчи белгилаган жойга жўнади. С.нинг улови ёнига кооператив такси яқинлашди. Унинг ичида ўтирган нусха қўлини машина ойнасидан чиқариб пулни сўради. Жабрдийда ноилж тезлики камайтирмаган ҳолда пулни узатди.

Шитоб билан етиб келган машиналар кооператив таксини таъқиб қилиб тўхтатдилар.

Таъмағир жиноят устида қўлга тушди. Айни вақтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Фуқароларнинг ҳушёрлиги туфайли яна бир жиноятчининг фаолиятига чек қўйилди.

Бироқ айрим кишиларнинг лоқайдлиги, қўрқоқлиги жи-

ноятчиларга қўл келмоқда. Баъзилар бор бисотларини талаб кетишса ҳам чурқ этишмаяпти.

Янгийўл тумани ИИБ ходимлари оператив тадбир ўтказиш чоғида бир неча ой бурун содир этилган жиноятни аниқладилар.

Маълум бўлишича, шу йилнинг 28 августда фуқаро Ерматовнинг уйига 4 кимса бостириб киради. Қирқма миллиқлар билан қуролланган бу шахслар унинг «Москвич-412» уловини, 1500 сўм нақд пулни, 4 та гилами, 3750 сўмлик тилла буюмларини ва 1000 сўмлик нарсаларини ўмариб кетадилар. Жабрланувчи эса бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмаган.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ ходимлари ҳам худди шундай фактга дуч келдилар.

1971 йилда туғилган Х. Аҳмедов шериклари билан фуқаро Зубенконинг уйидан 10 минг сўм нақд пул ва қўлга иллинадиган барча буюмларини ўғирлаб кетсада, «ҳотамтой» бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган.

Бу қўрқоқлик жиноятчиларни ўзига хос рағбатлантириш эканлигини наҳот тушунишмасан? Босқинчилар биргина шу қабиҳликлари билан чекланиб қолмайдилар-ку ахир! Бу улар учун ўзига яраша тажриба бўлади-ку! Бора-бора жиноятчиларнинг ҳар бир кунлик, ҳар бир соатлик фаолиятидан оддий фуқаро жабр тортиб қолмасмикан?

Исмомил МИНАВВАРОВ.

ШУБҲАЛИ ШАХСЛАР

Холис хизматга иштиёқманд кишиларнинг садағаси кетсанг арзийди-да...

— Алло, милициями бу? — дея шошилиб сўради номаълум бир одам ярим тунда Янгиариқ тумани ИИБ навбатчисига қўнғироқ қилиб. — Катта йўл ёқсиди аллақандай «Нива» белгили улов турибди, ичда ўта шубҳали шахслар борга ўхшайди.

Маълумот жуда қисқа, бироқ тезкор гуруҳнинг дарҳол қўзғалиши учун етарли бўлди. Номаълум киши алдамаган экан. Милиция майори Вобожон Сопаев бошчилигидаги ходимлар ҳаш-паш дегунча тўрт

кишидан иборат талончилар тўдасини қўлга олдилар. Улар Қадамбой Каримов деган шахснинг уйига босқинчиларча кириб, катта миқдордаги қимматбаҳо нарсаларни, шунингдек, жабрдийданинг ВАЗ-2106 белгили шахсий автоловини ўғирлаб кетишган, айни пайтда ғалаба нашидасини сураётган эканлар. Ана энди бу азаматлар «тантана»ни тегиниши жойларда давом эттирадиган бўлишди.

Янгиариқ тумани ИИБ ходимлари ўзларининг олижаноб, лекин номаълум кўмакчилари борлигидан беҳад қувондилар.

Саъдулла БОБОЕВ.

ДИҚҚАТ, ТАШАББУСИ!

САҲНАДА МИЛИЦИОНЕР

Милиция саҳнадан йироқ дейдиганлар янглишади, қаттиқ янглишади. У фақат хизмат бурчи билан ўралашиб қолган эмас. Милиция ходимларининг юзларидаги доимо бўртиб турадиган жиддийлик замирида яшириниб қолган нозик ҳиссиётларни ҳамма ҳам пайқайвермайди.

Яқинда Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ажойиб ташаббус билан чиқди. Боғишамол тумани 1-маданият уйи саҳнаси вилоятдаги туман ва шаҳар ички ишлар бўлимлари қошида тузилган дасталар ихтиёрига берилди. Бу ерда ўзига хос мусобақа бўлиб ўтди.

Ийрилган тингловчилар милиция ходимларининг турли-туман куй-қўшиқларини ички ҳайрат, ошқора шодлик билан кутиб олдилар.

Концерт якунида тингловчилар билан ҳакамлар ҳайъатининг фикри бир жойдан чиқди. Биринчи ўрин Самарқанд шаҳар ИИБ ходимларига берилди. Иккинчи, учинчи ўринлар Пастдарғом тумани ИИБ ходимлари ва Жомбой тумани ИИБнинг «Фазо» вокал-чолғу дастасига насиб этди.

Ҳа, милиция ходимлари орасида ҳам талантили, иқтидорли санъаткорлар бор. Фақат уларни юзага чиқариш керак. Бунинг учун самарқандлик жонқуярларнинг ташаббусини қўллаш ва давом эттириш зарур.

Нишон МЕЛИЕВ.

билан бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошинингизни ҳам менсимасдан, юзларига чопсангиз, келгусида сиздан нимани ҳам кутиш мумкин? Бақти-соати келганида ўзингиз ҳам она бўлиб, бола тарбияласангиз, ўғил уйлантириб, қиз узатсангиз, фарзандларингизга, хонадонингизга келган ёш келинга ниманиям ўргата олар экансиз? Наҳотки, қуш уясида кўрганни қилади, онасини кўриб қизини ол, каби нақллар қўлоғингизга чалинмаган бўлса!

бўлаёйсизлар!» — деб тўнғилларди. Бунинг устига энди ота-онасидан узокроқдан жой солиб, кўчиб чиқишга эрини қистайдиган одат ҳам чиқарганди. Кунларнинг бирида шу хонадонда меҳмонда бўлишимизга тўғри келганди. Бизлар уч-тўрт киши катта уйда чой ичишиб ўтирган чоғимизда ошхона вазифини ўтовчи даҳлиздан эр-хотиннинг паст-баланд товушда гаплашаётган овозлари қўлоғимизга чалиниб қолди:

(ОДОВНОМА)

КУЛИБ ТУРСИН КЕЛИНЧАК

— Билмайман, бир кунга ҳам тоқатим йўқ! Хуллас, орадан бир ой ўтмасдан, келин-куёв алоҳида рўзғор тебрата бошлади. Келиннинг-торгина даҳлизи ошхонага айланди. Тўртта нон учун алоҳида супра ёзилиб, икки коса овқатга катта қозон осила бошланди. Қизидан хабар олишга келган келиннинг онаси бу тутумни маъқуллаб, бениҳоя мамнун бўлди. Ҳа, маъқуллаб, мамнун бўлди.

Қайнона билан қайнота ўғилларининг тинчлиги учун ҳамма нарсага рўзи эдилар. Лекин келиннинг хархашаси ҳануз тўхтамасди. У эрига: «Мендан яшириб, онангизга нарса келтириб бераёйсиз, нима, ота-онангиз билан укаларингизниям менга қўшиб боқмоқчимсиз?!», — деб гингшиса, қайнона-сига: «Ўғлингизнинг топганига ҳалиям тенг шерик

«Оғайнилар келишибди, бирон овқат қилмайсанми?» «Бир нарса бўлмаса, ўзимни пиширайми!» «Кечагина гўшт йелтиргандим-ку.» «Тамом бўлган!» Уларнинг кейинги гаплари эшитилмади. Ўтирганлар ҳаммамиз ноқулай ҳолга тушганча бир-биримизга маъноли боқиб, мулзам бўлиб қолдик. Ҳозирнинг ўзида, шу вазиятда туриб кетишимиз ҳам жуда ўнғайсиз эди...

Мен «келин» деган чиройли, нафис ва жарангдор, қалбларни энтиктирувчи ажиб-бир номга сазовор бўлган бу каби ёшларга, аниқроғи, Назокатхон тимсолидаги ёш келинларга шундай хитоб қилгим келади:

«Отангиз ўрнидаги қайнотангиз билан онангиз ўрнидаги қайнонангиз ва умид

Агар Назокатхон битта бўлганида эди, бу мавзуда эҳтимол ёзиб ҳам ўтирмаган бўлармиким.

Бошдан дилсиёҳлик билан бошланган турмуш ўнғаймайди. Бундай оиланинг келажаги ўзгача бўлиб кетишига ҳеч ким кафолат ҳам беролмайди. Назокатнинг ҳатти-ҳаракатлари ўзбекона урф-одатларимизга, мусулмончиликка асло хос эмас. Ёш оиланинг гўзал турмуши яхши ва тўғри муомала, оқиллик, иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббат, аҳил-тотувлик, яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, сабр-тоқат билан яшаш туфайли таркиб топади, албатта. Келинга биринчи галда одоб, ахлоқ, назокат, орасталик, ифрат, ибо жуда ҳам керак. ... Сингилжонлар, тингланг! Остонангизда карнай-сурнай навоси янграяпти!..

Нормамат ТОВА.

ЖУДА ҚИЗИҚАМАН

Ассалому алайкум ҳурматли «Постда» рўзномаси ходимлари!

Менинг ёшим 11 да. Бошқотирма ечимини топиш мен учун жуда қизиқарли. Рўзномангиздаги тўртинчи саҳифада берилётган бошқотирмаларга ҳар доим дадам иккимиз тўлиқ жавоб топишга ҳаракат қиламиз.


23 ноябрь сонидан чоп этилган бошқотирманинг жавобларини топиб, шакл марказидаги мақолни ўқидик: «Ростга завол йўқ».

Ҳурмат билан **Шахло СУЛТОНОВА,** Бекобод шаҳри.

Тахририятимизга мактуб йўллаган **Шахлохон** сингари кўплаб ихлосмандларимиз аввалги сонларда эълон қилинган бошқотирмалар жавобини

тўғри топишга уриниб кўрганлар. Улардан наманганлик **Раънохон Дўлтаева,** Комилжон **Мадаминнов,** Аспиб **Халиллохунова,** Лобар **Мақсудова,** Фарғоналик **Бурхонжон Узоқов,** Сурайё **Ҳикматуллаева,** Гулистон шаҳридан **Мунирахон Раҳматуллаева,** қашқадарёлик **Абдурашид Мейлиев,** Сайфулла **Алмуратов,** хоразмлик **Рустам Раматов,** Бухоро шаҳридан **Шоира Герипова,** Муяссар **Саймуратова,** Тошкент шаҳридан **Умида Мавлонова,** Алишер **Сулаймонқулов,** самарқандлик **Обид Раҳматов,** Қаҳқор **Комилов,** жиззазлик **Абдужалол Бошмонов,** Тўлқин **Тугалов,** Анвар **Эргашевлар** тўғри жавоб топганлар.

Мактуб йўллаганларнинг барчасига ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.



«СЕҲРЛИ» ТҮРТБҮРЧАК

Қадрли муштарийлар! Маънолари қуйида баён этилган бешта сўзни топиб, уларни рақамлар бўйича тасвирланган тўртбурчакнинг эндидаги қаторларига ёзиб чиқинг. Агар сўзлар тўғри топилган бўлса, шаклдаги қаторларни бўйига ўқиганингизда ҳам ай-

нан шу сўзларнинг ўзи келиб чиқади.

- 1. Ўзбек халқининг миллий таомларидан бири.
- 2. Краснодар ўлкасидаги шаҳар.
- 3. Артиллерия қисмларида тўп ўрнатиладиган восита.
- 4. Мусиқий санъат ваери.
- 5. Тўғрилиб ўсган жой, она юрт.

Тузувчи **Ҳ. АБДУЛЛАЕВ,** ички хизмат подполковниги.

Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган корхона, муассаса, бирлашмалар ва ширкатлар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА

Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими қўл остингиздаги халқ хўжалик объектларини ишончли муҳофазага олади. Хизматлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Объектларни давлат қўриғига топшириш истагини билдирганлар шаҳар, туман ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.



Рўзномамизнинг кейинги сони 26 декабрда чиқади.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Ички ишлар идоралари томонидан 1958 йилда Шаҳрисабз шаҳрида туғилган, Шаҳрисабз шаҳар Наврўз кўчасидаги 49-уйда яшайдиган **Ҳабибулло Неъматович Жўраев** қидирилмоқда.

У 1991 йилнинг 20 ноябрь кунин уйдан «ВАЗ-21063» белгили Е 8940 КФ рақамли шахсий автомашинасини мнниб чиқиб кетганича қайтмаган.

БЕЛГИЛАРИ: бўйи 167-169 см., сочи қора рангда, тик ўсган, кўзлари қорамтир, қошлари ёйсимон, юзи юмалоқ.

УСТ-БОШИ: эгинда кўк рангли жемпер, сариқ рангли куртка, кўк рангли, оқ йўлли трико, оёғида қора рангли туфлиси бор.



АЛОҲИДА БЕЛГИЛАРИ: белининг чап томонида 18X9,5 см. чамасидаги куйиндан қолган чандиқ, ўнг

оёғи тиззасининг пастиди 2-2,5 см. ҳажмли холи ва чап қўлининг тирсагидан юқори қисмида тахминан 4 см. узунликда чандиқ бор. Елкасини ўнг томонга қийшайтириб юради. 2-гуруҳ ногирони.

АВТОМАШИНАСИНING БЕЛГИЛАРИ: 1989 йилда ишлаб чиқарилган, сут рангли, двигатель рақами: 0975569, кузов рақами: 2284332, орқа капотининг ўнг томонида «ОМОН» деб ёзилган, чап томоннинг олдинги эшиги озроқ па-чоқланган.

Ҳабибулло Жўраев ҳақида (шунингдек, унинг автомашинаси ҳақида ҳам) бирон бир маълумотга эга бўлган фуқаролардан бу ҳақда «02» ёки 4-55-08, 4-46-08, 4-35-86 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир—54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, мухбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26078 нусхада чоп этилди.